



СИГИРЛАРНИНГ СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

¹**Р.А.Машрапова**

Магистр, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини

²**А.И.Юсупов**

Талаба, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини

³**М.И.Исмоилхонова**

Талаба, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини

⁴**М.Б.Осқарова**

Ўқитувчи, Абу Али Ибн Сино номидаги Урганч жамоат
саломатлиги техникуми

⁵**О.З.Жавхаров**

Доцент, қ.х.ф.ф.д.(PhD) Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институтини

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7923634>

ARTICLE INFO

Received: 02nd May 2023

Accepted: 10th May 2023

Online: 11th May 2023

KEY WORDS

Чорвачилик, сизир, сут,
маҳсулот, рацион, озуқа,
озуқа бирлиги, ҳазмланувчи
протеин, зот, селекция.

ABSTRACT

Мақолада сизирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда ҳамда сут таркибидаги тўйимли моддаларнинг кўпайишига уларнинг рациондаги тўйимли моддалар ва алмашинувчи энергиясига боғлиқлиги сабабли уларни тўлақийматли, мувозанатлаштирилган тартибда озиқлантириш, кунига камида 5-6 км масофада юришини таъминлаш (мацион), энг муҳим омилларга боғлиқ эканлиги келтирилган, шунингдек, ҳар бир хўжаликда мавжуд бўлган ҳар хил озуқаларни қайта ишлаб, уларни майдалаб, аралаштирилган ҳолда тўйимлилигини оширишни ташкил этилиши, натижада чорвачилик маҳсулотларини ошишига ва унинг сифати яхшиланишига ҳамда сут ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳам ошишга таъсир кўрсатиши келтирилган.

Кириш. Қорамолчилик чорвачиликнинг етакчи соҳасидир, аҳолини сут, гўшт маҳсулотлари ва енгил саноати учун тери, шоҳ ва бошқа хом ашё билан таъминлайди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган сутнинг 98,5 фоизи ва гўштнинг 64,5 фоизи қорамолчиликка тўғри келади. Республикамизда урчитилаётган сизирларнинг ҳар биридан соғим даврида 2500-3000 кг. сут, 200-250 кг. гўшт, 25-30 кг. тери ва 7-8 тоннагача органик ўғит етиштирилмоқда. Шунингдек, қорамол терисидан қимматбаҳо чарм ва қўшимча маҳсулотлар (қон, суяк, шоҳ, жун ва ҳоказолар) олиниб, аҳоли ва енгил саноат эҳтиёжлари учун ишлатилмоқда.

Сизирларнинг сут маҳсулдорлигига кўп омилларнинг таъсир этиши хорижий ва Республикамизнинг кўплаб олимлари томонидан илмий тадқиқотларда ўрганилган.



Илмий изланишлар натижаларига таянган ҳолда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 50-60% ҳолатда тўлақийматли мувозанатлаштирилган озиқлантиришга, 20-25% селекция-наслчилик ишига ва 20-25% технологик омилларга яъни, асраш шароити, соғиш технологияси, фермадаги кун тартиби ва бошқа омилларга боғлиқ.

Замонавий сутдор қорамолчиликда маҳсулотлар етиштириш технологияси селекционерлар зиммасига, юқори маҳсулдор ва интенсив технологияда маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашган ҳайвонларни яратиш вазифасини қўймоқда.

Сигирларнинг соғломлиги ва маҳсулдорлиги доимий равишда таъсир этадиган ташқи муҳит омиллари билан боғлиқ бўлиб, улар озиқлантириш ва сигирларни асраш ҳамда парваришlash омилларидир. Бу кўрсаткичлар организмда иссиқлик алмашинуви, моддалар алмашинуви ва организмда кечадиган физиологик жараёнларга бевосита таъсир қилади. Шу боис, сигирлар организмга таъсир этувчи ташқи муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида билимга эга бўлиш муҳим саналади. Чунки, бу ҳолатларни билгандагина, ҳайвонларни сақлаш ва уларни тўғри парваришlashни меъёрда ташкил этиш мумкин [1-8].

Ўрганиш натижалари ва таҳлили. Қорамолчиликда сут маҳсулдорлиги асосий ўринни эгаллайди. Сигир сути таркибида 250 дан зиёд моддалар мавжуд. Сигир сутининг таркибидаги барча моддалар ёш организмнинг ўсиши учун енгил ҳазмланадиган шаклда сақланади. Бир литр сигир сути истемол қилинганда инсонни кунлик энергияга бўлган талабини 25,0%, оқсилга бўлган талаби 61,0%, ёғга бўлган талаби 100,0%, фосфорга бўлган талаби эса 112,0% га қондирилади.

Унинг таркибида ўртача 12,5-13,0% қуруқ модда бўлиб, шундан 3,8% ёғ, 3,3% оқсил, 4,8% лактоза ва 1,0% макро элементлардан иборат. Сутнинг таркибидаги тўйимли моддалар инсон организмда 95-98 % гача ҳазм бўлади. Сигир сутининг кимёвий таркиби ва хусусиятлари кўп омиллар таъсирида ўзгариб туради, шу жумладан, сигирнинг зоти, тирик вазни, сут бериш даврининг муддати, рацион асосида боқилишига ва унда тўйимли моддаларнинг етарлилигига ва тўлақонлилиги, уларнинг ўзаро мувозанатлашганлиги, сўрилиши ва ҳазмланиши, озукавий қиймати, аввало сигирларнинг ёшига, соғломлиги ва туғишдан олдинги семизлик ҳолатига, шунингдек, йил фаслларига, соғимлар сони, тўлиқ ва тоза соғиб олинишига, куюкиш даврига, шу билан бирга ташқи муҳитнинг ҳароратига ва бошқа шу каби бир қатор омилларга боғлиқ бўлади.

Сигирларнинг сут бериш давридаги озиқлантиришни уларнинг физиологик ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда уни 3 га бўлиш мумкин. Айтайлик сигирларнинг 60 кунгача бўлган сут беришининг биринчи даврида рационнинг таркибидаги озуқаларнинг тўйимли моддаларга бўлган талаби, уларни нормал яшаши учун белгиланган рационга нисбатан 3-4 баробар, оқсилга бўлган талаби эса 6-7 мартага кўп бўлади. Бу вақтда озуқа рацион таркибига клетчаткага бой озуқалардан (беда пичани) киритиш, ишқорий кислота миқдорини доимий ушлаш муҳимдир. Акс ҳолда сигирларда ацидоз касаллигини келиб чиқиши, уларни сут маҳсулдорлиги ҳамда ундаги ёғ ва бошқа кўрсаткичларининг камайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Соғин сигирлардан белгиланган миқдорда сифатли сут соғиб олиш учун уларнинг озуқа рационда мавжуд тўйимли моддалар миқдори, биологик фаол моддалар ва



турли микроэлементлар мавжудлигини, ҳамда уларни чорва моллари талабларини қондира олиш даражасини ҳисобга олиш керак. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, уларни организмда тўйимли моддаларнинг сўрилиши, ҳазмланиши, озуқалардаги алмашинувчи энергия миқдори ва сифатига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Озиқлантириш нафақат сут миқдори, балким унинг таркибий қисмига ҳам таъсир қилади. Сигир етарли даражада озиқлантирилмаса, дастлаб сут миқдори кейин ёғ кўрсаткичи пасаяди. Рацион таркибидаги тўйимли моддалардан протеин кўрсаткичи бўйича баланслаштирилган рацион билан озиқлантирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ортиши билан сутнинг ёғлилик даражаси ҳам кўтарилади. Бунинг учун рацион таркибига ўзида тўйимли моддаларни кўп сақлайдиган кучли озуқалардан пахта шроти ва кунгабоқар кунжараси каби озуқалардан киритиш мақсадга мувофиқдир. Рационга пахта шроти қўшиб озиқлантирилганда сутнинг таркибидаги ёғ миқдори кўпаяди. Шунингдек сигирларнинг сут миқдори ва сутнинг кимёвий таркибига уларнинг рационидан кунгабоқар кунжараси ва турли ўтлардан тайёрланган сифатли пичаларнинг бўлиши ижобий таъсир кўрсатади.

Баҳор ва ёз ойларида яшил озуқалар билан озиқлантириш ҳамда куз ва қиш ойларида эса сифатли силос ва сенажлар билан боқиш сутнинг таркибида каротинни кўпайишини таъминлайди. Сигирларни етарли даражада тўйимли моддаларга бой бўлган озуқалар билан озиқлантирмаслик, сут маҳсулдорлигини 25,0-30,0% га камайтириб юборади. Шунингдек, сутдан чиққан бўғоз сигирларни ва янги туққан сигирларни йдириш вақтида яъни лактациясининг дастлабки ойларида яхши озиқлантирмаслик, уларнинг сут маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатишини унутмаслик керак. Сигирларни йдириш вақтида ва лактацияси давомида сигирлар оптимал равишда озиқлантирилса улардан 2 марта кўп сут соғиб олиш мумкин.

Сигир бир лактацияда (305 кун) 3000 кг сут берганда сигир организмидан 392 кг, 4000 кг сут ажратганда эса 500 кг қуруқ моддани сут таркибидан чиқариб юборади.

Углеввод-оксил нисбати озуқаларда 1:1,1 ёки 1,5 ни ташкил этиши лозим. Сегин сигирлар рационидан 1 озука бирлигига 100-200 г ҳазмланувчи протеин тўғри келиши керак. Сигирларнинг ҳар бир сутига 1,0-1,2 озука бирлиги тўғри келса, уларнинг ўсиши нормал бўлиши билан лактациянинг тургунлиги ҳам меъёрга кечади.

Рационда илдизмевали озуқалар миқдори ошиб кетса, сутда ушбу озуқаларни таъми намоён бўлади, сифатсиз озуқалар истеъмол қилганда сутни таркиби ва ҳоссалари салбий томонга ўзгаради.

Сигирлар баҳорда яшил озуқаларни истеъмол қилиши натижасида сутни таркибида ёғ моддаси камайиши амалиётда кўп кузатилган. Чунки яшил ўтлар таркибида клетчатка миқдори кам (12%) бўлади. Бу ўз навбатида катта қоринда бижғиш ҳарактерига таъсир этиб, унда уксус кислоталарининг ҳосил бўлишини сусайтиради. Бу ҳолатни олдини олиш мақсадида яшил озуқаларга ўтиш рационига биринчи декадада 5 кг, иккинчида 3 кг, учинчида 1 кг дағал озука (пичан) қўшиб бериш тавсия этилади.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлигига ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, газлар концентрацияси бевосита таъсир қилади. Сигирлар учун микроиқлим кўрсаткичлар меъёрга қуйидагича бўлиши лозим.



Ҳаво ҳарорати $-5-15^{\circ}\text{C}$; нисбий намлик $-70-75\%$; 1 кг тирик вазнга ҳаво алмашинуви $-17\text{ м}^3/\text{соат}$; ҳаво ҳарорати тезлиги $-0,5\text{ м/с}$; карбонат ангидрид газы $0,25\%$; аммиак концентрацияси -20 мг. м^3 ; олтингугурт газлари бўлиши мумкин ҳолос. Шунингдек сақлаш керакки, фермада турли хил шовқинлар (трактор, мотор, бақир-чақир ва х.к) сизирларнинг сут маҳсулдорлигига нўжўя таъсир қилади.

Хўжаликларда мавжуд бўлган озўқаларни тўлақийматли, мувозанатлаштирилган тартибда озўқлантириш, асраш ва улардан тўғри фойдаланиш сизирлар маҳсулдорлигини 5-8 лактациясигача юқори маҳсулдор бўлиб қилишини таъминлайди.

Хулоса. Сизирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда ҳамда сут таркибидаги тўйимли моддаларнинг кўпайишига уларнинг рациондаги тўйимли моддалар ва алмашинувчи энергиясига боғлиқлиги сабабли уларни тўлақийматли, мувозанатлаштирилган тартибда озўқлантириш, вақти-вақти билан маҳсус яйратиш майдончаларига чиқариб туриш, кунига камида 5-6 км масофада юришини таъминлаш, имкон қадар яйловларда боқиш муҳим омилларга киради. Бу юқорида келтирилган ишлардан ташқари, ҳар бир хўжаликда ҳар хил озўқаларни қайта ишлаш, уларни майдалаб, аралаштирилган ҳолда тўйимлигини оширишни ташкил этиш орқали чорвачилик маҳсулотлари сифатини оширишни таъминлайди ҳамда сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳам оширади.

References:

1. Акмалхонов Ш.А. Билогические и зоотехнические основы ведения скотоводство в Узбекистане. Тошкент 1993 г.
2. Акмальханов Ш.А. и др. Рекомендация по эффективной технологии содержания и кормления завозного крупного рогатого скота. Ташкент, 2017 г.
3. Аширов М.Э. Научные основы и практические приёмы совершенствования племенных и продуктивных качеств черно-пестрого скота в условиях жаркого климата. //Автореф. дисс. док.с-х. наук. Ташкент, 1994 г., с. 39-43.
4. Аширов М.Э. Сутдор қорамоллар селекцияси. Тошкент-2017 “Наврўз” Нашриёти. 29-35-38-39-208-220 б.
5. Аширов М.И., Аширов Б.М., Юлдашев А.А. Разведение голштинского скота в Узбекистане. Тошкент-2020 г., Издательства “Наврўз” с. 270.
6. Аширов М.Э., Аширов Б.М., Рўзиев Н.Р. Қизил чўл зотли қорамоллар ва уларни такомиллаштириш. Тошкент-2020 “Наврўз” Нашриёти. 316 б.
7. Аширов М., Рўзиев Н., Сизирлар сут маҳсулдорлигининг тирик вазнига боғлиқлиги. //Ж.“ZOOVETERINARIYA”, 2012 й., №3, 29-30 б.
8. Madraximov Sh.N., Gulbutayev B. X., Qurbonov O. E. Turli seleksiyaga mansub golshtin zotli sigirlarning sut mahsuldorligi. //Qishloq o'jaligida innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqarish va joriy etishning istiqboldagi vazifalari” Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami. Samarqand 2022 y. 273-275 б.